

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!



Ishonch

2016-yil
30-avgust,
seshanba

№ 105
(3766)

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида



Жорий йилнинг 5-21 август кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз 4 олтин, 2 кумуш ва 7 бронза медални қўлга киритди.

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намоёиши

Мамлакатимизнинг истиқлол йилларидаги изчил тараққиёти улкан бунёдкорлик ишларига замин яратди. Янги sanoat корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ва спорт саройлари, йўл ва кўприклар, замонавий уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Мустақиллик иншоотлари деган ибора пайдо бўлди. Уларнинг қўлиги ва гўзаллигидан шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Нукус, Урганч, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Андижон, Фарғона, Наманган ва бошқа шаҳарларимиз бош режа асосида қайта қурилмоқда.

Олимпиада ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2016 йил 23 августдаги фармойишига мувофиқ Олимпия ўйинларининг ғолиб ва совриндорлари пул мукофотлари билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шухрати» музейида 29 август куни Олимпиада ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Президентимиз раҳнамолигида барча жаҳонларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимизнинг эркин ва озод, тинч-осойишта, фаровон ва бахтли ҳаёт кечириши, фарзандларимизни баркамол инсонлар қилиб вояга етказишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Халқимиз энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда ҳар биримизнинг дилимизда истиқлол берган буюк неъматларга шукроналик туйғулари жўш урмоқда.

Ватан — муқаддас, унинг халқаро майдонда обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш энг олий бахтдир. Ўзбекистон спортчилари XXXI ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, бутун дунёга мардлик ва жасорат бобида улуг зотларнинг муносиб ворислари эканини исботлади, халқимизнинг, Президентимизнинг ишончини оқлади, эркин ва обод Ватанимизнинг энг улуг, энг азиз байрамига муносиб тўхфа ҳозирлади.

▲(4).



Мамлакатимиз ривожини ёрқин акс эттирган Тошкент шаҳрида ҳам улкан қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Пойтахтимиз ўзининг тарихий хусусиятларини сақлаган ҳолда замонавий қиёфа касб этмоқда. Янги-янги иншоотлар, турар жойлар, меҳмонхоналар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хиёбонлар шаҳар аҳли ва меҳмонларга қулай шароит яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси асосида ишлаб чиқилган бош режага мувофиқ пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. 2013 йили Хадра майдонида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2014 йили Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида янги йўллар қурилди. 2015 йилнинг май ойида Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган чорраҳада янги замонавий кўприк очилди.

Нурафшон кўчасининг қурилиши аҳоли учун катта қулайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни замонавий масканга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очди. Ҳар томони 4 тасмали бу йўл транспортлар ҳаракатини енгиллаштирди. Кўча билан параллел равишда коммуникациялар ва муҳандислик инфратузилмаси қурилди.

Президентимизнинг 2014 йил 20 ноябрдаги Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида замонавий тураржойлар барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан бу ерда кўп қаватли уйлар бунёд этилмоқда. Жорий йилда 386 хонадондан иборат 20 та замонавий уй-жой қуриб битказилди.

Инсон манфаатларини таъминлаш, одамларга барча қулайлик яратишга қаратилган эътибор ҳар қадамда кўзга ташланади. Биноларни лойиҳалаштиришда иқлим шароитлари, санитария ва хавфсизлик талаблари, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзига оид барча жиҳатлар ҳисобга олинган. Уларни қуриш ва безатишда замонавий технология ва материаллардан фойдаланилган.

▲(2).

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида қурилиши якунланган Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўли орқали 27 август куни йўловчи поезде Тошкентдан Андижонга йўл олди.

Тошкент — Андижон поезде қатнови йўлга қўйилди

Ҳаммининг юзида хурсандчилик. Поездга чиқаётган отахону онахонлар тилидан шукроналик туймайди: шу кунларга етказганига шукр! Мамлакатимиз гуллаб-яшнаётган. Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин.

Йўловчилар мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, хусусан, транспорт тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашиб кетди.

Президентимиз раҳнамолигида мустақиллигининг илк йилларидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларини яқин транспорт-коммуникация тизимига боғлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда

минглаб километр янги темир йўллар қурилди, замонавий йўл инфратузилмаси яратилди.

Президентимиз Ислам Каримов 2013 йил 26 апрел куни халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ангрэн — Поп йўналишида электрлаштирилган темир йўл қурилиши режалаштирилгани, 2016 йилда бу темир йўл қуриб битказилиши ва поезд қатнови йўлга қўйилишини таъкидлади.

Ана шу сўзларнинг исботи сифатида қисқа вақтда 123,1 километрлик Ангрэн — Поп темир йўли ва унинг таркибида 19,2 километрлик Қамчик туннели қуриб битказилди.

▲(2).

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Тарих сабоқлари иродани мустаҳкамлайди

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуига қадам кўяр эканман, беихтиёр буюк маърифатпарвар Абдурауф Фитратнинг қизи Севара Кароматиллаҳўжаеванинг: «Бу зиёратгоҳ инсон туйғуларини она юртга боғлаба туради. Бугунги ёруғ кунларга етиб келмаган, шу йўлда фидо бўлган собит ва оловқалб оталар жасоратини ёдга солади. Ватан ва озодлик қимматини англалади, деган сўзлари қулоғим остида садо беради. Дарҳақиқат, ўтмишдан сабоқ чиқариб, буюк келажак сари дадил интилаётган халқимиз учун бундай табарруқ қадамжоларнинг тарбиявий аҳамияти катта.

Мажмуа таниб бўлмас даражада ўзгариб, обод зиёратгоҳга айланган. Файзиёб бу манзил бир пайтлар шаҳар ташқарисидаги хилват, ваҳимали, қалин чакалақзор, жарлик бўлганга ақл бовар қилмайди. Яқин атрофдаги маҳаллада яшаган Абдинаби отанинг эътирофи

этишича, халқ тилида «Алвастикўприк» номи билан бу жойда қатағон авжига чиққан ўтган асрнинг 37-38-йилларида тез-тез ўқ овозлари эшитилиб тураркан.

▲(4).

Эътироф

Ифтихорга муносиб эҳтиром

Бу ёруғ оламда инсон учун эрк ва озодликдан улуг саодат йўқ ва бўлмагай. Доно боларимиз эътироф этган бу ҳикматнинг нақадар ҳаётийлигига энг улуг ва энг азиз айём арафасида яна бир қарра амин бўлиб турибмиз.

Байрам нафаси кезиб юрган шу кунларда Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши биносида бўлиб ўтган «Ўзбекистон мус-

тақиллигига 25 йил» эсдалик нишонларини топшириш маросими барчага кўтаринки кайфият бахш этди. Кўнгиллар озодлик эпкинларидан, мустақиллик бахш этган гурурдан қувватланди,

буюк аждодларга ворислик туйғулари қонда жўш урди.

«Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонини билан тизимда меҳнат қилаётган мамлакатимиз мустақил-

▲(2).

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

Тошкент — Андижон поезда қатнови йўлга қўйилди

✎(1).

2016 йил 22 июн куни Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик лойиҳаси ижроси бўлган Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этди.

Бу билан мамлакатимизда яхлит, мустақил ва замонавий темир йўл тизими яратилди. Улкан стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган мазкур лойиҳа мамлакатимизнинг коммуникация ва транспорт соҳасида эришган тараққиёти даражасини намояндалар этди.

— 2013 йилнинг апрел ойида Президентимиз халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзлади. Сессияда мен ҳам қатнашганман, — дейди «Нуроний» жамғармасининг Андижон вилояти бўлими кенгаши раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Тавваккал Топволдиев. — Давлатимиз раҳбарининг Тошкент — Андижон поезд йўли қурилиши ҳақидаги сўзлари нанки Фарғона водийси, балки бутун мамлакатимиз ахлининг кўнглини кўтарди. Бугун ана шу гапларнинг ижобати, тарихий воқеанинг гувоҳи бўлганимиздан беҳад бахтиёримиз.

Мазкур йўл Фарғона водийси вилоятларига поездда юк ва йўловчи ташини имконини беради. Шу билан бирга, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўлиб бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ва экспорт имкониятини, юртимизнинг транзит ролини



кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширади.

— Ҳаққондан зиёд аҳоли яшаётган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг бошқа ҳудудларимиз билан транспорт коммуникациялари анча чегараланган эди, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг капитал қурилиш дирекцияси бошлигининг ўринбосари — Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўл қурилиши бошлиги, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Уматов. — Собиқ тузум даврида барча коммуникация тармоқлари, авваламбор, транспорт-логистика алоқаси кўпчилик республика ҳудуди орқали ўтар эди. Бу ҳолат аввало аҳоли, қолаверса, иқтисодий

учун кўплаб ноқулайликлар туғдирарди. Одамларимиз Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл воситасида тўғридан-тўғри боғлайдиган қунар тезроқ келишни орзу қиларди. Президентимиз мустақилликнинг илк йилларидан бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Дастлаб Қамчиқ домини орқали янги автомобил йўли қурилди. Бу йил халқимизнинг яна бир орзуси ушалди — темир йўл ҳам фойдаланишга топширилди.

— Бугун халқимиз, айниқса, Фарғона водийси аҳоли учун катта байрам, унутилмас тарихий кун, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистон

халқ шоири Энаҳон Сиддиқова. — Ушбу байрамда иштирок этиб, улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, кўзларимга қувонч ёшлари келди. Мустақиллик шарофати, давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати туфайли шундай улкан ютуқларга эришяпмиз.

...Поезд Ангрэн, Поп, Қўқон ва Марғилон шаҳарларидан ўтиб, Андижон шаҳрига етиб келди. Бу ерда ҳозир бўлганлар меҳмонларни қарнай-сурнай ва гуллар билан кутиб олди.

— Тошкентдан Андижонга замонавий поездда қулай шароитда қандай келганимизни ҳам сезмай қолдик, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов. — Собиқ тузум даврида алмиқсоқдан қолган поездларда кўпчилик республика орқали минг азоб билан йўл боғганимиз ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Бугунги хурсандчилик мустақилликимиз, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан ислохотлар мевасидир! Бу том маънода тарихий воқеадир.

Андижон темир йўл вокзалида ушбу воқеа муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Ш.Абдурахмонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ф.Дадаҳужаев, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О.Раматов, Наманган давлат университети профессори Т.Файзуллаев, Зулфия номидидаги Давлат мукофоти совриндори С.Фозилжонова ва бошқалар Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннелининг фойдаланишга топширилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти янада таъкидлашга алоҳида аҳамият берди, уларни буюк аждодларимизга муносиб этиб камолга етказиш, таълим-тарбия беришга давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, касабга уюшма ташкилотлари ушбу муваффақиятларнинг бевосита иштирокчиси эканлиги, ҳамкорликда амалга оширилаётган хайрли ишларимиз давлатимиз томонидан эътироф этилаётганини айтиб ўтди.

Тақдирланганлар номидан Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши раиси Уктам Турғунов, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши раиси Шаймурод Шаймуродов, ўзларига кўрсатилган эътибор учун Президентимизга миннатдорлик изхор этишди.

Фурсатдан фойдаланиб, мукофотланганларни сўхбатга тортидик.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбири

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намоёиши

✎(1).

Бинонинг деворлари уй ичидаги иссиқликни сақлайдиган қилиб қурилган. Хар бир хонадонда алоҳида иссиқлик ва сув иситиш тизимлари ўрнатилган. Бу хона ҳароратини мустақил бошқариш, энергия сарфини 2 баробаргача қисқартириш имконини беради.

Йўл бўйидаги уйлар бир қаторга эмас, балки кўчадан ҳар хил узоқликда қурилган ва оралиқ масофалари кенг олинган. Бу мавзеда шамол айлангани таъминлайди. Турар жойлар орасида майсозорлар барпо қилинган. Манзарали дарахтлар, райхонлар экилган. Болалар учун ўйин қурилмалари ўрнатилган. Фаввора ва гулзорлар ташкил этилган.

— Мустақилликимизнинг 25 йиллиги биз учун қўшалок байрам бўлди, — дейди ушбу уй соҳибаларидан бири Ниғора Хасанова. — Яқинда уч хонали уйга кўчиб ўтдик. Бу ерда барча шарт-шароит яратилган. Хоналар кенг, ёруғ, баҳаво. Ховлида оилавий сайр қиламиз, болаларимиз маза қилиб ўйнайди.

Мамлакатимизда ҳаёт сифати, аҳоли даромадлари ошиб бораётгани натижасида автомобиллар сони тобора кўпайиб бормоқда. Шунга мувофиқ йўл-коммуникация тармоқлари изчил ривожлантирилмоқда. Барча ҳудудларда янги йўллар қурилмоқда, мавжудлари кенгайтирилмоқда. Пойтахтимизда шаҳарнинг келгуси ривожига ҳам ҳисобга олинган ҳолда кенг ва раво йўллар, кўприклар бунёд этилмоқда.

Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилди. Нурафшон кўчаси Октепа майдонигача 4 километр узайтирилди ва Муқимий кўчасига уланди. Муқимий ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасида замонавий кўприк барпо этилди. Ушбу чорраҳадан бошланган берк кўчанинг иккинчи томони Бобур кўчасига уланди. Шу тариқа пойтахтимизда яна бир айланма йўл барпо этилди.

Муқимий, Усмон Носир ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасида илгари соатига меъёрдаги 6 минг ўрнига 11 минг 500 автомобил, яъни қарийб икки баробар кўп транспорт ҳаракатланар эди. Оқибатда тирбандлик юзга келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишига, ёқилги сарфи ошиб, атроф-муҳит ифлослишига сабаб бўларди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу ерда эни

19 метр, узунлиги қарийб 1 километр бўлган замонавий кўприк бунёд этилди. Муқимий кўчасининг ҳар бир йўналиши беш тасмали қилиб кенгайтирилди.

Янги кўприкнинг қурилиши нафақат ушбу чорраҳадаги тирбандликни бартараф этади, балки Бунёдкор, Чилонзор, Чўпонота, Қушбеги, Бобур кўчаларидаги қатновга ҳам ижобий таъсир қилади.

Ушбу иншоот «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли «Кўприк-қурилиш» трести томонидан бунёд этилган. Хорижий энг замонавий технологиялари ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилган.

Кўприкнинг ёнида пиёдалар учун қарийб 90 метрлик битта, Оқтепа майдонида 48 ва 60 метрлик иккита ер усти ўтиш йўлаги барпо этилган. Уларнинг усти ёпилган, атрофи бежирим панжара ва ойналар билан ўралган. Бу одамларни қишда ёгиндан, ёзда иссиқдан ҳимоялайди, атрофдаги манзарадан баҳра олишга имкон беради.

Бундай бунёдкорлик ишлари бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширилмоқда. Йўллар кенгайтирилиб, кўприklar қурилмоқда. Транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулайлик яратиш мақсадида Тараққиёт кўчаси ҳам узайтирилди. Унинг Паҳлавон Маҳмуд ва Мирзо Улуғбек кўчалари билан туташган жойидан Охангарон кўчасига чорраҳа механика заводи ҳудуди орқали 3 километр янги йўл қурилди. Тараққиёт кўчаси ва Кичик халқа йўли чорраҳасидаги кўприк реконструкция қилинди.

Шу каби қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида пойтахтимиз янада кўркамлашиб, яшаш учун қулайликлар ортиб бораётир. Ўзбекистон «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» рейтингига жўрадан бўлиб 44-ўринни, пойтахтимиз Тошкент Буюк Британиянинг «Economist» журнали бўлинимаси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллагани ҳам бунинг тасдиғидир.

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг, мамлакатимиз тараққиётининг ёрқин намоёиши бўлган бундай замонавий иншоотлар, ободонлаштириш ишлари аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада оширишга хизмат қилади.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбири

✎ Тўхфа



Хивада янги меҳмонхона

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг муносиб байрам тўхфаси — «Шамс Хива» меҳмонхонаси ўз фаолиятини бошлади.

Истиқлол туфайли Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг нигоҳини ўзига қаратди. Бухоро, Самарқанд ва Хива каби қадимий шаҳарларимизни кўриш иштиёқида ҳар кун кўплаб сайёҳлар мамлакатимизга ташриф буюради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилда қабул қилинган «Хоразм вилоятида 2013 — 2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори Хоразм вилоятида ушбу соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этди.

Натижада, вилоятда 2012 йилга нисбатан сайёҳлик ташкилотлари 36 тадан 59 тага етди. 16 та янги меҳмонхона барпо этилди. Дарҳақиқат, эндиликда Хоразм сайёҳларни янада ўзига жалб қиладиган дийёрга айланди. Туризмни ривожлантиришга муҳим ҳаққонларнинг ўрни катта. Сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида касабга уюшмалари томонидан тарихий шаҳарларда замонавий меҳмонхоналар бунёд этилаётгани сабаби ҳам шунда.

Шулардан бири Хивадаги «Шамс Хива» меҳмонхонаси бўлиб, замонавий ва шарқона мейморчилик услубларини мужассам қилган ушбу иморат шаҳар кўрқига кўрк қўшди. Икки қаватли, 30 ўринли меҳмонхона қурилиши учун тўрт миллиард бир юз миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. «Чинобод-қурилиш» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари иморатни мустақилликимизнинг 25 йиллиги арафасида қуриб битказди.

«Шамс Хива» меҳмонхонасининг очилиш маросимида Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева, Хоразм вилояти ҳокими Пулат Бобожонов ва бошқалар сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида юртимизнинг барча гўшалари, шаҳару қишлоқларимиз янгича қиёфа

касб этди. Ўзбекистон дунёнинг энг барқарор ривожланаётган давлатлари қаторидан жой олди. Эндиликда бетақор диёримиз билан яқиндан танишиш, буюк аждодларимиз ақлу зақоси махсули бўлган қадимий шаҳарларимиз гўзаллигиндан баҳра олиш мақсадида жаҳоннинг барча мамлакатларидан меҳмонлар, сайёҳлар ташриф буюрмоқда. Уларни ўзбекна меҳмондўстлик билан кутиб олиш, намунали хизмат кўрсатиш бугунги кун талаби саналади.

— Истиқлол йилларида Хиванинг 2500 йиллиги, Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонланди, — дейди меҳнат фахрийси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Давлатёр Раҳимов. — Бу халқимизнинг бой маданий мероси қайта тикланишида, маънавиятимиз юксалишида муҳим аҳамият касб этди. Энг улуг, энг азиз байрамимизга муносиб тўхфа бўлган «Шамс Хива» меҳмонхонаси қадимий ва навқирон Хивамизга узукка кўз қўйгандек яради.

— Қадимий ва навқирон шаҳримизни бир кўриш иштиёқида ҳар кун дунёдан юзлаб сайёҳлар ташриф буюради. Касабга уюшмалари томонидан ички туризмни ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли нафақат чет эллик сайёҳлар, минглаб юртдошларимиз Хива гўзаллигиндан баҳра олиш, буюк боболаримиз яратган бой мерос билан танишиб, гурурланиш бахтига мушарраф бўлмоқда, — дейди Хива болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўзбек жанг санъати спорт мураббийи Нодирбек Турдиев. — Бу меҳмонхонада менинг тенгдошларим бўлган ёшлар, истиқлол фарзандлари хизмат кўрсатади. Улар чет эллик сайёҳларга Ўзбекистон ёшларининг билим ва салоҳиятини, маданиятини намоёиш қилишга, сайёҳларни қойил қолдиришга қодир эканликларига ишонаман.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ифтихорга муносиб эҳтиром

✎(1).

Тантанали маросимда Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева йиғилганлари истиқлол байрами билан кўлаб, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилаётгани, ислохотлар инсон омилига хизмат қилаётгани, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни буюк аждодларимизга муносиб этиб камолга етказиш, таълим-тарбия беришга давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, касабга уюшма ташкилотлари ушбу муваффақиятларнинг бевосита иштирокчиси эканлиги, ҳамкорликда амалга оширилаётган хайрли ишларимиз давлатимиз томонидан эътироф этилаётганини айтиб ўтди.

Тақдирланганлар номидан Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши раиси Уктам Турғунов, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши раиси Шаймурод Шаймуродов, ўзларига кўрсатилган эътибор учун Президентимизга миннатдорлик изхор этишди.

Фурсатдан фойдаланиб, мукофотланганларни сўхбатга тортидик.

Гўзал Тўхтаева,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари:

— Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 25 беш йиллиги арафасида давлатимиз эътирофига сазовор бўлиш менга катта қувонч бағишлади. Бундай дамларда ҳар бир киши ортга боқиб, кечаги ва бугунги кунимизни қиёслайди. Дарҳақиқат, биз кеча ким эдик, бугун ким бўлдик? Эътибор беринг, собиқ тузум даврида ҳатто «рўйхатларда номи йўқ» юртимиз бугун энг нуфузли дунё рейтингларида манаман деган давлатлардан ҳам энг олдинги ўринларда турибди. Бу ҳар биримизга гурур бағишлайди. Истиқлолнинг илк йилларидан аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, маънан етук ва жисмонан соғлом авлоднинг камолга етказишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Нурилла Шамсиев,
«Ishonch» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбири:

— Ижодкор зоти борки, ўзига, сўзига, меҳнатига кўрсатилган эътибор ва рағбатдан руҳий қувватланади. Шунини мамнуният билан айтаманки, тақдирланганлар орасида жамоамиз вакилларининг ҳам борлиги биз журналистлар меҳнатига берилган юксак мукофотдир. Албатта, ушбу эътироф келгуси ижодий ишларимизда илҳом манбаи бўлиш билан бирга, янада масъулиятли бўлишни тақозо этади.

Ўз мухбиримиз

ЖАРАЁН

Мукофотланганлар ҳақида ҳикоялар

Ташвишларда бордир ҳаловат

Бир ижодкор сифатида ўзим билган, таниган ўнларча касабани уюшма фидойиларини кўз олдимга бирма-бир келтирдим. Ана шундайлардан бири ўзининг йигирма йиллик умрини касабани уюшмалари тизими мустаҳкамлашга бағишлаб, ҳалол ва самарали меҳнатлари билан эл олқисига сезовор бўлиб келаётган Нусратулло Пардаевдир.



Хайратланиш учун бир дақиқа вақт кифоя, бироқ хайратомуз нарса яратиб учун қанчадан-қанча йиллар керак, деб ёзган эди бир файласуф. Нусратулло ака ҳам вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчиси сифатида минглаб меҳнат кишининг қонуний ҳақ-хуқуқини ҳимоялаб келмоқда.

Дўстлик туманида истикомат қилувчи Холдоной она Хурсанова олти нафар ўғил-қизни воёга етказиб, уларни мустақил ҳаётга йўллади.

Онахоннинг кўзлари хиралашиб, охири кўрмай қолди. Ўзгалар парваршига муҳожир бўлиб қолди. Бундай пайтда фарзандлар ўз меҳрларини онаизорларидан дариг тутишмади, албатта. Ҳозир ҳам улар парвона, волидаларини еру-қукма ишонмайди...

Хар доим оила аҳволидан хабар олиб турадиган агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси туман кенгаши раиси Махмуджон Яхшиликков байрамолди ташрифида онахонни вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тақдир қилди.

Холдоной онахон касабани уюшма фаоллари илқ қаршилашди, қўлига бир пиёла чой туқказиб, ҳол-аҳволи сўрашди. Талтанали йиғинда кўпчилик олдида Холдоной онахоннинг қўлига дувоқали электр печи, электр гўшт майдалагич, дазмол, электр қозони, тефал каби қундалиқ рўзгорда ишлатиладиган буюмлар жамламасини туқказишганда хаяжонланиб, бундай эътибор ва муруватдан кўзларида ёш ҳалқаланди. Онахон дилнинг туб-тубидан қўйилиб келган сўзларни тилига чиқарди: «Раҳмат, сиз каби меҳрибонларни худо ярлақсин».

Мазкур тадбир Жиззах вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўтказилган ЎзКУФКнинг йил давомида белгиланган акциялардан бири эди.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда ижтимоий шериклик ўзаро муносабат-

лар ўтказиш аънаёнага айланган. Туризмни жамоа шартномалари, тармоқ келишувларига киритиш орқали ўтган йили ходимлар ва оила аъзоларидан 1811 нафарининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шахрисабз, Қарши каби қўқна ва тарихий шаҳарларга жамоавий саёҳатлари ташкил этилди.

Болали аёлларга кўшимча имтиёзлар яратиш мақсадида мулк шаклидан қатъи назар, вилоятдаги қорхона, хўжалик, ташкилот ва муассасаларда мактаб ёшидаги боласи бўлган ишловчи аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда кунлик иш вақтини бир соатга қисқартиришга эришилди.

Ёлғиз, кекса, пенсионер ва ногирон кишиларнинг ижтимоий-маиший эҳтиёжлари, соғлиги ва моддий аҳволи вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмасининг доимий эътиборида. Улардан 19 нафари хомийликка олиниб, эҳтиёжларига 2,8 миллион сўмлик касабани уюшма маблағи сарфланди. Аини пайтда 350 нафар кекса ва ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олиб турилди. Уларнинг барчаси тиббий кўриқдан бепул ўтказиб келинмоқда.

Амалдаги жамоа шартномаларида ўрнатилган талабларга кўра барча қорхоналарда асосий меҳнат таътиллари-нинг энг кам миқдори 18-21 кундан қилиб белгиланди.

Нодавлат сектор ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида жойлардаги касабани уюшма органлари муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Сўнгги уч йилда касабани уюшма ташкилотлари тузилиб, фаолият юритаётган 2686 та қорхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидан жамоа шартномалари орқали 14159 нафар ходим манфаатлари қамраб олинди.

Касабани уюшмалари қанчалик қудратли бўлса, иш ўринлари ҳам шунча хавфхатарсиз бўлади. Ходимга хавфсиз иш жойи, техника хавфсизлиги жаҳадидаги талабларнинг сўзсиз бажарилишига жойлардаги касабани уюшма ташкилотлари ҳам бевосита масъулдир.

Ходимлар ҳуқуқини ҳимоялаш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилмоқда. Муражатларни ўрганиш юзасидан аниқланган қонунбузилишлар бўйича 25 та тақдимнома, судларга 14 та даъво аризаси киритилиб, 33 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Янги иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан белгиланган ҳудудий дастур асосида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофа-

за қилиш бош бошқармаси вилоят КҮТБК билан ҳамкорликда тадбирлар режаси қабул қилиб, бу борадаги амалий ишлар кўлами кенгайиб бормоқда.

Вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига келаётган мактублар турли мавзуларда бўлиб, уларнинг аксарияти миннатдорчиликка йўғрилганлиги киши эътиборини тортади. Ана шундай мактублардан бири «Жиззахпластмасса» АЖ ишчиси М.Эркаева йўллаган:

«Кўп йиллардан буён шу қорхонада қувовчи-иши бўлиб ишлайман. Бахтсиз ҳодиса туфайли ўнг қўлимнинг тўртта бармоғи синиб, яраланди. Тиббий хулосага кўра иккинчи гуруҳ ногиронлиги беришди. Маъмурият турли баҳоналар билан товон пули беришни пайсалга солди. Вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмасида аризам ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. Касабани уюшмалари аралашувидан сўнг 2 миллион 200 минг сўмлик товон пули қўлимга тегишди».

Президентимиз Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларидаги катта хизматлари, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун соҳа ходимларидан бир гуруҳи мукофотланди. Улар орасида Жиззах вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нусратулло Пардаев ҳам бор. У Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

— Ушбу қувончли хушхабарни эшитганимда қалбимда чексиз ҳаяжон ўйғонди, — дейди Нусратулло Пардаев. — Бугун оилам, фарзанду невараларимнинг қувончи чексиз. Мамлакатимизда хар бир инсоннинг бахтли ҳаёт кечириши учун яратилаётган улкан шароитларнинг самарасини ўз оилам мисолида қўриб, қувонаман. Одамод бу ёруғ дунёда яшар экан, фарзандларининг қамоллини кўришни оруз қилади. Бугун барча орузларим ижобат бўлаётганига шукроналар келтираман.

Тинимсиз изланиш, ташаббускорлик ва самимият мана шундай улкан муваффақиятнинг бош омилдир. Бу юксак мукофот Нусратулло Пардаев яратган ва ўз меҳнати билан парваршлаб келадиган саховатли боғнинг тотли меvasидир.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Истиқлол шукӯҳи



Тинчлик — улӯф неъмат

уни асраш энг катта масъулият

Ўтаётган хар бир кун бизни энг улӯф, энг азиз байрамимиз — она Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйига яқинлаштирмоқда. Хар гўшада байрам тараддуди, қалбларда истиқлол шукӯҳи, тилларда озодлик, тинчлик ва осойишталик шукронаси. Нуруний онахону отахонларимиз дуога қўл очшар экан, авваламбор, юртимизга тинчликни сўрашди.

Не саодатки, истиқлол йилларида мамлакатимизнинг мувофақ қудрати юксалиб, Ватанимиз сарҳадларини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қодир ичмач, тезкор ҳамда энг замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминланган профессионал армия шаклланди.

Пойтахтимиздаги харбий қисмда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодий ходимлари билан ташкил этилган «Тинчлик — энг улӯф неъмат, уни асраш энг катта масъулият» мавзусидаги маданий-маърифий тадбирда бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган харбий ишлар эътироф этилиб, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда харбийларимизнинг хизмати алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, газета саҳифаларида харбийларимиз ҳаётига доир чоп этилаётган мақолаларга эътибор қаратилди. Тадбирда газета бош муҳаррири ўринбосари Зайниддин Рихсиев, бўлим муҳаррири Амина Қодирова, Муқимий номидаги мусиқали ва драма театри артисти Одина Ғозиева иштирок этди.

— Бугун Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлиги, юртимизда ҳукм сураётган тинчликни асраш хар биримизнинг фуқаролик бурчимиз бўлиб, жасур ва мард харбий хизматчиларимиз бунинг учун жонларини фидо қилишга ҳам тайёр, — дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Ботир Исмолов. — Муваффақиятнинг бош омилдир. Бу юксак мукофот Нусратулло Пардаев яратган ва ўз меҳнати билан парваршлаб келадиган саховатли боғнинг тотли меvasидир.

— Армия сафидаги хизматим қисм командири томонидан муносиб баҳоланганидан бошим осмонга етди, — дейди оддий аскар. — Келгусидаги мақсадим командирларимиз томонидан берилган билим ва тажрибаларимни ошириб, олий ўқув юрталарига кириш учун тест синовларига имтиёзни қўлга киритишдир.

Муқаддас РАЗОҚОВА,
«Ishonch» мухбири.
Иқром ХАСАНОВ
олган суратлар

Бор бўл, оқибат!

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси томонидан мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида диёримизнинг хар бир ҳудудида «Гўзал ва бетақдоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» ғоясини ўзида мужжасам этган маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра сўхбатлари ўтказилмоқда.

Эзгу ишлар бардавом

Шундай хайрли тадбирлардан бири Соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши томонидан ташкил этилди. Унда тармоқ тизимида меҳнат қилувчи ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, касабани уюшма фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир доирасида «Ким эдигу ким бўлди, эртага қандай марраларни эгаллашимиз зарур?» мавзусида ўтказилган давра сўхбати иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, ташкилотчилар томонидан мустақиллигининг қадрига етиш, истиқлол берган имкониятларга шукроналик туйғусини янада ошириш хар биримизнинг дилмиздаги мақсад эканлиги, юртимизда амалга оширилган туб ўзгаришлар, турли соҳалардаги ютуқ ва муваффақиятлар барчага гурур ва ифтихор бахш этаётгани эътироф этилди.

Тадбирда мазкур йўналишдаги ишларга касабани уюшмасининг муносиб хиссасини кўйиш мақсадида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган Касабани уюшмалари Федерацияси тадбирлар дастурига мувофиқ қанчалик дидакет касаллигига чалинган репродуктив ёшдаги аёллар ва туғма эшитиш қобилияти паст бўлган болаларга ёрдамчи техник воситалар, глюкометр ҳамда эшитиш аппаратлари топширилди.

— Бугунги тадбирдан мақсад жисмоний имконияти чекланган ўғил-қизлар ва қанд касаллигига чалинган репродуктив ёшдаги аёлларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу орқали «Соғлом онадан — соғлом бола» тамойили асосида амалга оширилаётган ишларга муносиб хисса кўйишдир, — дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод Хананияев. — Хусусан, бугун тақдим этилган глюкометр ёрдамида беморлар қон таркибидидаги қанд миқдорини 30 сонияда аниқлаш имконига эга бўлади.

— Касабани уюшмаларининг гамхўрлиги ва эътиборини ҳамisha ҳис қилиб тураемиз, — дейди Ангрен ДСЭНМ ходими Раъно Йўлдошева. — Байрам арафасида менга эшитиш аппарати совға қилинганидан жуда хурсандман. Бу юртимизда хар бир киши меҳр-эътибордан четда қолмаётганига амалий мисолдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ҳомиладор аёлларнинг соғлигини сақлаш ва психологик аҳволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш соҳасидаги ишларни кучайтириш йўналишларида ҳам тизимли ишлар амалга ошириляпти.

Бу каби тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги хар бир қорхона, ташкилот ва муассасада байрамона руҳда ўтказилмоқда.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири

Тўйга тўёна



«Чортоқ»да янги фаввора

Даволашнинг асосий омилли табиат инъоми — ши-фобахш сув бўлган «Чортоқ» санаторийсида дам олувчилар, меҳмонлар ҳамда туман аҳолисига яна бир бор обиҳаёт мўъжизаси тақдим этилди. Сув тўлқинлари рақс этиб, шаффоф дурлари билан «Хуш келибсиз!» дегандек мулозамат кўрсатувчи фавворанинг аини истиқлол тантаналари арафасида фойдаланишга топширилиши чортоқликлар учун ўзига хос совға бўлди.

ЎзКУФК маблағи ҳисобидан бунёд этилган мазкур фавворанинг том маънода ансамбл дейиш мумкин. Зеро, ундаги хар бир унсур бадий дид ва

ижодкорона ёндашув асосида вужудга келганини оддий кўз билан ҳам илғаш мумкин. Дарвозадан кираришда, асосий фавворанинг бошланғич қисмида сув париси янглик кўза кўтарган икки париваш тажассумида серсув, саховатли заминимиз акс этгандек. Мудом бизга ўз мўъжизаларини тортиқ этувчи она ёр бағридан сизиб чиққан сувдан ҳаёт гуркирашини ижодкорлар шу йўсинда ифода қилган бўлса, не ажаб? Асосий фаввора атрофида хумча шаклидаги олтига сув айлантиргич ҳам ўзига хос гўзал кўриниш касб этган.


— Кейинги йилларда ЎзКУФК тизимидаги сикатгоҳ-

ларда нафақат жиҳозлар, балки иншоотларни янгилаш, ушбу масканларга янги руҳ, янгича кайфият берувчи воситаларни қўллашга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон бадий академияси аъзоси, рассом, «Жонрид фонтан» фирмаси раҳбари Арслон Абдумам



тов. — Бу жараёнда иштирокимиз борлигидан хурсандимиз. «Оқтош», «Бўстон» каби санаторийларда янги йўналишдаги ижодий ишларимиз — фавворалар, сайл майдончалари ишга тушар. Ушбу фаввора ҳам галдаги ишимиз. Унинг воситасида «Чортоқ»да дам олувчиларнинг кайфияти янада кўтаринки бўлишига ишонаман. Фаввора суви ҳамisha тозаланиб, тиниқ туриши учун махсус таблеткалардан фойдаланилади. Ўрнатилган филтрлар эса сув юзасини хас-ҳазондан тозалай туради. Иш жараёнида саккиз ишчининг хар бири ўз тақлифи, фикрини билдиришга ҳақли. Шу тарзда миллий унсурлар билан бойитилган фаввора мажмуасини бунёд этдик. Эътироф этиш ўринлики, бу каби мажмуаларни барпо этиш бир вақтлар фақатгина оруз эди... Шу кунлар шукронаси учун фидойилик билан ишлаш эса она Ватанга муносиб тухфамиздир.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири



Тарих сабоқлари иродани мустаҳкамлайди

Ќ(1).

Хиёбон оралаб юрар экансиз, Ватан, миллат озодлиги йўлида жон фидо этган миллатпарвар оталарнинг озодлик туфайли шодмон руҳини илгандай бўласиз. Зиёратчилар кўп бўлишига қарамай майдон узра ўзига хос маънос бир сукунат ҳукмрон. Бу сукунатда инсон руҳини уйғотувчи, унга ўтмишдан сабоқ берувчи ажиб ҳикмат яшириндай. Негаки, зиёратчиларнинг кўпчилигини оловқалб, ўйинқароқ ёшлар ва ўсмирлар ташкил этса-да ҳеч ким ортиқча бир ҳаракат қилмайди. Кўзларда ҳайрат, юзларда ўзига хос маҳзунлик зоҳир. Ҳаттоки, сўмбула кўши нурларида олтиндек товланиб, буралиб-буралиб оқётган Бўзсув мавжларида, сувга бош эгиб турган мажнунтол новдаларида, майин шабадада тебранган дарахт баргларию анвойи гулу чечакларда, ям-яшил майсаларда ҳам аллақандай ҳазинлик. Гўё майдонда ўтмишдан хотира бўлиб адоқсиз сукунат қолгандай.

Олпоқ рўмол ураган аёлнинг майсалар устига дон сочиб, капталларни чорлаётгани эътиборимизни тортади.

— Бизнинг Бухорода қабристонга борилганда ўтганлар руҳи хурматиға кушлар дон сочилади. Тожкентга ҳар гал келганимда бу маскани зиёрат қилиб, кушларга дон улашаман, — дейди ўзини Мухиба Эргашева деб таништираган аёл. — Отамнинг айтишича, бобом Эргашбой хўл-қуруқ баробар ёнган машўм йилларда қатагон қилиниб, бедарак кетган. Уй-жойи-ю мол-мулки тортиб олинган. Отам икки опаси ва онаизори билан амакисининг уйда минг бир азоб билан яшаган. Эртадан кечгача меҳнат қилса ҳам роҳатини кўрмаган. Истиклол унинг жароҳатли қалбига малҳам қўйди. Отам ҳар йили шу зиёратгоҳга келиб бобомизнинг руҳига Қуръон тиловат қилади. Бир умр кўрқиб, ҳадиксираб яшаган бувим юртимиздаги бугунги эзгу ишларни, истиқлол берган тухфаларни кўрганида, билмадим, қувончдан қай аҳволга тушарди. Нима бўлганда ҳам у кунлар тарихда қолгани рост бўлсин! Худога шукр, боболаримиз, оталаримиз кўрмаган замонни бизлар кўрдик. Илоҳим, мустақиллигимизни абдий бўлсин!

Қатагон йилларида Мухиба опанинг бобосидек минг-минглаб беғуноҳ ватандошларимиз судисиз отилиб, бирон овлоқ жойга кўмиб юборилган. Қатагон балоси ҳеч кимни аяб ўтирмаган. Қўнлар узоқ йиллар уларнинг қисматидан беҳабар бўлишган. Истиклол шарофати билан халқимизнинг шаъни, қадр-қиммати, гурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Мустақил тузум даврида қатагон қилинган юзлаб ватандошларимиз хотираси абдийлаштирилди.



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2000 йили пойтахтимизнинг Бўзсув соҳилида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилиши мустақил тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган боболаримиз хотирасига кўрсатилган улкан эътирмоннинг ёрқин ифодаси бўлди. Кейинчалик бу ерда «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ва машаққатлар эвазига эришганимизни, озодликнинг, тинчликнинг нақадар буюқ неъмат эканини теран ҳис этишар- ётир.

Эндиликда бу ерга мамлакатимизнинг турли жойларидан одамлар оқиб келиб, шаҳидлар хотирасини ёд этаётди. Айнакча, зиёратга келаётган ёшлар бугунги тинч ва осойишта, тўкин ва фаровон ҳаётга қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришганимизни, озодликнинг, тинчликнинг нақадар буюқ неъмат эканини теран ҳис этишар- ётир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирини тортиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди». Мажмуага ташриф буюриб, ўтмишдан сабоқ олаётган ёшларни кўриб шунга иқдор бўлдики, халқимиз маънавият ва маърифатдан ҳаммиса қувват олган.

Ваҳоланки, мустақил тузум даврида тарихимизга бошқача нигоҳ билан қараб келинди, маърифатли кишилар имкон борича бошқарувдан узоқлаштирилди. Истиклол туфайлигина даврнинг беайб қурбонларига айланган зиёлилар — миллатнинг асл фидойи фарзандлари номи тикланди. Зеро, миллий қадриятларни, миллий ўзлини англамай туриб, маърифатга, маънавиятга эришиб бўлмайди. Аждодлар меросини сиңчиқлаб ўрганиш, улар ўғитига амал қилиш миллий ўзлик бардавонлигини таъминлашда муҳим омиллардан саналади. «Қатагон қурбонлари хотираси» музейининг бу борадаги хизмати беқиёс. Бу ердаги ҳар бир экспонат, ҳар битта қўғоз қатагон йилларининг машўм воқеаларидан сўзлайди. Қон сачраган деворлар, тарихнинг «сирли» сандиқларида сарғайган суратлар, даврга ўрнатилган ҳайкаллар мисол ҳақиқатни кўз ўнгида намоеён қилади. Музейни шуңчаки томоша қиламан, деганлар янглишади. Негаки, бу масканда тарихимиздаги муҳим воқеалар, истиқлолнинг қонли излари, мустақил сиёсатнинг жирканч башараси — қатагонлар акс этган. Қолаверса, манфур сиёсат натижасида одамларнинг қандай хўрликларга учрагани, инсоний ҳақ-ҳуқуқлар поймол этилгани,

хуллас, бутун бир миллат қон қақшагани фактларда ўз ифодасини топган.

Музей экспонатларнинг мазмун-моҳиятига қараб 10 та бўлим ва 3 та залдан иборат. Эътибор берсак, биринчи залда чор Россияси томонидан Ўрта Осиё ҳудудининг босиб олиниши ҳамда халқимизнинг истибоддога қарши кураши, миллий уйғониш ҳаракати, «коллективлаштириш», «қулқолаштириш» сиёсати, шунингдек, ўтган асрнинг 30-йилларидаги қатагонларга доир экспонатлар ўрин олган. Бу ерда турган қоп-қора «Газ 11-73» русумли автомашина беихтиёр эътиборни тортади. Негадир гилдираклари қизилга бўялган машинага кўзинг тушиши билан қонни кўргандай сесканиб кетасан. Қатагон даврида ана шундай машиналарда ноҳақ тухматга учраган одамлар оқиб кетилган. Зўра исмли онахоннинг ҳикоя қилишича,



«қора қуғун» номини олган ушбу машина қайси кўчада пайдо бўлса, одамлар ўлата дуч келгандай қўрқиб қочиб экан.

Иккинчи залда эса 1937 — 1938 ҳамда 1940 — 50-йиллардаги сиёсий қатагонлар, шунингдек, 80-йиллардаги «пахта иши» оқибатларини акс эттирувчи материаллар жой олган.

Ҳар бир тарихий ҳужжат ўтмишимиз фожиаларидан сўзлайди. Қодирийнинг ёшга тўлиб, адолат ва ҳақиқат излаб жавдираб турган мунгли нигоҳларига қарай олмайсан киши. Истиклол орзусида қачқанга бу кўзлар изтироби қалбнинг тилка-пора қилади. Гўёки Қодирий кўзида қолган ёш сенинг қароғиндан оқиб чиқади. Суратдаги навихол Усмон Носирнинг умид тўла нигоҳлари қаршида эса аждодлар олдиданги бурч ва қарздорлиқни ҳис қиласан. Мунаввар Қорининг кўзойнаги, Чўлпоннинг қўлёмалари, Фитратнинг армони, Файзулла Хўжаевнинг саргардонлиқда кечган умри... Экспонатлар ҳақдан, ҳақиқатдан сўзлайди. Нигоҳларда акс этган истиқлолнинг аламу изтироблари юракни эзиб юборади. Бу нигоҳларда қарамликнинг таҳрирлари намоеён.

Учинчи залга ўтиб қатагон фожиаларидан эзилган юрагинга истиқлол шабадаси теккандай бироз енгил тортасан.

— Ушбу маърифат масканига келиб қатагон даҳшатларини бутун вужудим билан ҳис қилдим. Қатагон дегани жуда кенг тушунча эканини билиб олдим. Ана шу сиёсат мамлакатимизда истиқлолга бир неча марта, юз йиллар давомида гоҳ ошқор, гоҳ яширин суратда содир бўлган экан. Ҳар гал элимизнинг маърифатли, фикрли қатлами элақдан ўтказилган экан. Шундай йўқотишлар эвазига истиқлол қўлга киритилган эканда, — дейди риштонлик Илҳомжон исмли хунарманд уста. — Қаранга-а, Иккинчи жаҳон урушида халқимизнинг учдан бир қисми фронтга жўнатилган. Қолганлар фронт ортини мустаҳкамлаган бўлса-ю, галабадан кейин хизматга тухмат дегандай халқимизнинг асл фарзандлари яна қатагонга учраган экан. 1937 — 53

йилларда 100 мингдан ортиқ киши қатагон этилиб, 13 минг киши отиб ташланган. Собиқ тузум даврида халқимиз ана шундай хўрланган, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари топтаб ташланган.

Музейнинг «Пахта иши» бўлимини кўзида ёш билан томоша қилаётган Шўхрат исмли йигитга яқинлашамиз.

— Отам Амрулла Тўхтаев фидойи инсон эди. Бўйингача қарзга ботган қолхози нафақат туман, республикада илғорлар сафига олиб чиққанди. Эвазига уни тухмат билан қамашди. Давлатимиз раҳбарига минг раҳмат! Ҳақсизликка барҳам берилиб, минглаб жабрдийлар қатори отам қамқондан озод бўлди. Аммо у ерда чеккан дарду аламлар отамни олиб кетди. Музейдаги экспонатлар падаримни ёдимга солди. Албатта, ўтган кунлар сабоғи, аждодлар хотираси инсонни руҳий уйғоқликка чорлайди. Юртимиздаги бугунги тинчлик-осойишталик, эркинликка ҳар қанча шукрона қилсак арзийди.

Эътиборни тортган яна бир жиҳат, экспозиция залларининг ранги ҳам давр руҳини акс эттирган. Мустақил тузумнинг қатагон сиёсати оқибатлари ҳақида тасаввур уйғотувчи 1-2 заллар ранги экспозициялар мазмунига мос қорамтир, мустақиллик даври бунёдкорлиги акс этган учинчи зал ёрқин ранглар ва чироқлар билан безатилган.

— Уқитувчиман. Уқув йилининг биринчи сабоғи «Мустақиллик дарси» таъсирчанлигини ошириш мақсадида бу



ерга келдим. Музейдан қўллаб-қувватлаб фактлар тўпладим. Бу ўқувчиларини она-Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда буюқ аждодларимизга муносиб ворислик туйғуларини шакллантиришда катта ёрдам беради, — дейди ўқитувчи Шоира Раупова. — Ҳозирги глобаллашув даврида ёш авлодни ҳар томонлама етуқ, қомил инсон қилиб тарбиялаш — энг долзарб вазифадир. Бу эса бугун биз — таълим тизими ходимларининг бурч ва масъулияти ҳар қачонгидан ортиқ, ҳар қачонгидан муҳим эканигини кўрсатиб турибди.

Муҳтарам Юртбошимиз ҳар доим фарзандларимиз биздан қўра кучли, доно ва албатта, бахтли бўлиши кераклигини таъкидлаб келади. Мустақиллик ҳавосидан баҳра олиб улғаяётган ёшлар чинакам бахт соҳибларидир. Бунга шак-шубҳа йўқ. Зеро, биздан қўра кучли, доно бўлиш нафақат шарт, балки улар зиммасидаги масъулият ҳамдир.

— Халқимиз беъизга одам яхши кунларни кўриб яшаради, демаган, — дея сўхбатимизга қўшилади Ўғилбой Қандова. — Президентимиз гамхўрлиги, мустақиллик нафаси мендек қариларга қувват берди, бир неча ёшга яшартириб юборди. Яратган эгамга шукроналар бўлсинки, бу истиқлолимиз шарофатидир.

— Ўзбекистондай бетақрор юрда туғилганимдан, истиқлол даврида ўқиб-ўлғайганимдан бахтиёрман, — дейди унинг невараси Инҳа университети талабаси Абдулла Қандов. — Юртимизда ҳар қандай орзу-ҳавасимизни амалга ошириш учун барча имконият эшикларини очди.

80 ёшли буви ва унинг навқирон набирасидаги руҳий кўтаринкилик, ботиний ҳаловат бизнинг кайфиятимизни-да кўтариб юборди... Мустақиллик энг олий неъмат эканигини, ҳуррият завқини, Ватанимиз она янглиг ягоналигини яна бир қарра ҳис қилдик.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Олимпиада Ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

Ќ(1).

Ўзбек бокс мактаби вакиллари мазкур Олимпиадада мамлакатимиз спортчилари шижоат ва маҳоратда, куч ва салоҳиятда тенгсиз эканини намоеён қилди. Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига Олимпия ўйинларининг дастлабки олтин медални бокс бўйича вази 49 килограммгача бўлган спортчилар беллашувида қатнашган Ҳасанбой Дўстматов келтирди. Ҳасанбой энг ёрқин жанглари олиб боргани учун Олимпия ўйинларининг энг яхши боксчиси сифатида Вэл Баркер кубоғи билан тақдирланди.



— Бизни қўллаб-қувватлаб, ишонч билдирган халқимиз ва Президентимизга миннатдорлик билдирамиз, — дейди Ҳасанбой Дўстматов. — Бу ишонч бизни галаба сари руҳлантирди, кучимизга куч қўшди. Олимпия ўйинларида кўлга киритган олтин медалимни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлайман.

Фазлиддин Ғойибназаров вази 64 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида, Шаҳобиддин Зоиров вази 52 килограммгача бўлган чарм қўлоқ усталари ўртасидаги беллашувларда барча рақибларини енгиб, Олимпиада чемпиони бўлди.

— Олимпия ўйинларида олтин медални кўлга киритаман, деб ният қилган эдим, — дейди Шаҳобиддин Зоиров. — Ниятимга етганимдан, нуфузли мусобақада Ватанимиз байрогини баланд кўтариш насиб қилганидан жуда бахтиёрман. Бундай улкан ютуқларимиз Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор ва гамхўрлик самарасидир.

Ўз вази тоифасида Бектемир Мелиқўзиев ва Шаҳрам Ғиёсов кумуш, Рустам Тўлағанов ва Муроджон Аҳмадалиев бронза медал билан тақдирланди.

XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг энг муҳим воқеаларидан бири оғир атлетика баҳсларида рўй берди. Таҳрибали оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов нуфузли мусобақада олтин медални кўлга киритиш билан бирга Олимпиада рекордини янгилаб, Ўзбекистон ёшлари нималарга қодир эканини бутун дунёга яна бир қарра намоеён қилди.

— Менинг галабам — бутун Ўзбекистоннинг галабасидир. Биз, ёшлар, овоз ва обод юрда тоғилиб вояга етганимиздан ва халқаро майдонда Ўзбекистон номидан мусобақага чиқаётганимиздан фахрланамиз, — деди Руслан Нурудинов. — Президентимизнинг ёшларга қарата маррани доимо баланд олинг, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч қачон кам бўлмайди, деган сўзлари қалбимизга муҳрланган. Ушбу давлат бизни янги-янги марралар сари чорлайди.

XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган беллашувларида ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этди. Диёрбек Ўрозбоев, Ришод Собиров, Элмурод Тасмуродов, Ихтиёр Наврўзов ва Магомед Ибрагимов Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига бронза медални тақдим этди.

Давлатимиз раҳбарининг фармойишига мувофиқ мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида олимпиада ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпияда ўйинларидаги юксак спорт маҳорати ва мардлиги, халқаро спорт майдонларида Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун спортчиларимиз бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирланди. Олимпия ўйинларида олтин медални кўлга киритган спортчиларимизнинг ҳар бири 200 минг АҚШ доллари, кумуш медалга сазовор бўлган спортчиларнинг ҳар бири 100 минг доллар, бронза медални кўлга киритган спортчиларнинг ҳар бири 75 минг доллар билан мукофотланди.

Олимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларимизга «Maib» автомобили ҳам берилди.

Ўзбекистон ҳаққ артистлари О.Назарбеков, М.Азизов ва бошқалар спортчиларимизни Олимпия ўйинларидаги юксак муваффақияти билан табриклаб, келгуси нуфузли мусобақаларда омад тилади.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Р.Рўзионов, спортчилар Х.Дўстматов, Р.Нурудинов, Б.Мелиқўзиев, Р.Тўлағанов ва Д.Ўрозбоев Президентимиз Ислам Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРОВА,
Ҳавоҳир ТОШХУЖАЕВ,
Ўза мухбири

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2015 йилда Тўлағанов Нуриддин Иншонбаевга номга берилган №3411 рақамли «Олмазор адвокатлари ҳайъати» адвокати сифатида иш қилитиш бўйича берилган гувоҳнома йўқолганини сабабли бекор қилинди.